

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДА ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК
ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ТАРТИБИ ТҮГРИСИДА**
Н И З О М

1-боб. Умумий коидалар

1. Мазкур Низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари түгрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига (кейинги ўринларда Конун деб аталади) мувофик Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида (кейинги ўринларда Фанлар академияси деб аталади) жисмоний ва юридик шахсларнинг, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларининг мурожаатлари (кейинги ўринларда мурожаат деб аталади) билан ишлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал килиши:

кўриб чикиш тартиби маъмурий жавобгарлик түгрисидаги, фукаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал конун хужжатлари ва бошка қонунлар билан белгиланган мурожаатларга;

давлат органларининг, ташкилотларининг, шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Қонунга мувофик ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

ариза — хукукларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш түгрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

таклиф — давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

шикоят — бузилган хукукларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни химоя килиш түгрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

аноним мурожаат — жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи түгрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) түгрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳакида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек, уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;

мурожаатнинг дубликати — айнан бир жисмоний ёки юридик шахснинг мурожаати нусхаси;

такрорий мурожаат — аввалги мурожаатлар бўйича қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилинган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтда кўриб чиқишнинг конун хужжатларида белгиланган муддати тугаган бўлса, аввалги мурожаат ўз вактида кўриб чиқилмаганлиги ҳакида хабар қилинган, айнан бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган мурожаат;

электрон мурожаат — белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан Фанлар академияси расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вакт режимида ахборот-

коммуникация технологияларидан фойдаланган холда берилган, оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

оммавий қабул — Фанлар академияси раҳбариятининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахсининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир харакати;

видео-конференц-алоқа — узокда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вакт режимида аудио ва видеоаҳборот алмашиш имконияти билан аҳборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган холда интерактив ҳамкорлик килиши;

давлат иштирокидаги ташкилот — устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти.

сайёр қабул — Фанлар академияси раҳбариятининг тасдикланган жадвал асосида жойларга чиқкан холда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиши билан боғлиқ ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуи.

4. Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда ариза, таклиф ва шикоят шаклида берилиши мумкин.

Мурожаатлар. уларнинг шакли ва туридан катъи назар, бир хил аҳамиятга эга.

Фанлар академиясининг «ишонч телефони» га келиб тушган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида мазкур Низомда белгиланган тартибда қайд этилади. рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади.

Фанлар академиясининг расмий веб-сайти орқали ёки академиянинг расмий электрон почта манзилига келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси. Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали (кейинги ўринларда Ҳукумат портали деб аталади) орқали келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июндаги 188-сон қарори билан тасдикланган Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали тўғрисида низом талаблари ҳисобга олинган холда ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Оммавий аҳборот воситалари таҳририяларидан келиб тушган мурожаатлар Конунда хамда ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

2-боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуклари кафолатлари

5. Конунга кўра, жисмоний ва юридик шахсларга Фанлар академиясига ва уларнинг мансабдор шахсларига якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этиш ҳуқуки кафолатланади.

Мурожаат этиш ҳуқуки ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни химоя қилишга ёхуд унга карши каратилган харакатларда иштирок этишга мажбур килиниши мумкин эмас.

Мурожаат этиш ҳуқукининг амалга оширилиши бошка жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқукларини, эркинликларини ҳамда конуний манфаатларини, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак.

Конунга мувофиқ, хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фукаролиги бўлмаган шахслар Фанлар академиясига, унинг мансабдор шахсларига ушбу Конунга мувофиқ мурожаат этиш ҳуқукига эга.

6. Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чикиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавкеига, шунингдек, юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқукий шаклларига ва бошка ҳолатларига караб камситишга йўл қўйилмайди.

7. Фанлар академияси ва унинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чикишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда конунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вактида кўриб чикилиши учун чоралар кўриши. жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуклари, эркинликлари тикланишини ҳамда конуний манфаатлари химоя килинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

8. Мурожаатлар Фанлар академияси ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан кабул қилиниши ва кўриб чикилиши шарт, ушбу Низомнинг 6-бобида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ота-она каровисиз қолган болаларнинг Фанлар академиясига бевосита қилган мурожаатларини тўлиқ кўриб чикиш кафолатланади ва бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги сабаблари билан бундай мурожатлари кўриб чикилмаслигига йўл қўйилмайди.

9. Мурожаатларни кўриб чикишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек, давлат сирини ёхуд конун билан кўрикланадиган бошка сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ва, агар бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуклари, эркинликлари ҳамда конуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошка ахборотнинг Фанлар академияси ходимлари ва мансабдор шахслари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниклашга йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахснинг илтимосига кўра унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги керак.

10. Жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар ўз ҳуқуклари, эркинликлари ҳамда конуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки химоя қилиш максадида Фанлар академиясига ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат этганлиги, шунингдек, мурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид килганлиги муносабати билан таъкиб этиш ман этилади.

З боб. Мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чикиш тартиби

11. Мурожаатлар уларда кўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доирасига кирадиган Фанлар академиясига ёки уларнинг мансабдор шахсига бевосита ёхуд бўйсунув тартибида юкори турувчи органга берилади.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатни мустакил равишда беришга. шунингдек. бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёхуд мурожаатни почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда юборишга ҳақли.

Вояга етмаганлар. муомалага лаёкатсиз ва муомала лаёкати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб мурожаатлар уларнинг конуний вакиллари томонидан конун хужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

12. Жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлик номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида Фанлар академиясининг аник номи. мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган, шунингдек, мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатларда мурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факслари ракамлари кўрсатилиши мумкин.

Мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи хужжатлар илова қилиниши керак.

13. Мурожаатга у бўйича илгари қабул қилинган мавжуд карорлар ёки уларнинг нусхалари. шунингдек. уни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа хужжатлар илова қилиниши мумкин. мазкур хужжатлар қайтарилмайди, мурожаат этувчи уларни қайтариш ҳакида ёзма ариза берган ҳолатлар бундан мустасно.

Кўрсатиб ўтилган хужжатлар мурожаат тааллуклиги бўйича бошқа давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига юборилганда мурожаатга илова қилиниши керак.

14. Мурожаат почта алоқа воситаси орқали конвертда келиб тушганда конвертда мурожаат ва унга иловалар мавжудлиги текширилади.

Конвертда мурожаат мавжуд бўлмаса ёки у шикастланган бўлса, шунингдек, мурожаатда кўрсатилган иловалар мавжуд бўлмаса. далолатнома тузилиб, унинг бир нусхаси мурожаат этувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

Келиб тушган мурожаатлар конвертлари мурожаат этувчининг манзилини, мурожаатнинг жўнатилган ва олинган вактини аниқлаш учун саклаб қолиниши мумкин.

15. Ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган такдирда. бу мурожаат уни ёзib берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равиша ёзив кўйилиши керак.

16. Мурожаатларни бериш муддатлари. коида тариқасида. белгиланмайди.

Айрим холларда. агар Фанлар академиясининг ёки унинг мансабдор шахсларнинг мурожаатни кўриб чиқиш бўйича имкониятларига. жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуклари, эркинликлари ҳамда конуний манфаатларини ўз вактида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш заруратига боғлик бўлса,

шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибида юкори турувчи органга ариза ёки шикоят жисмоний ёки юридик шахсга унинг хуқуклари, эркинликлари ҳамда конуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёхуд қарор қабул килинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узғи билан бир йилдан кечиктирмай берилади.

Ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати аризани ёки шикоятни кўриб чикувчи Фанлар академияси ёки унинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тикланади.

17. Жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган пайтда мурожаат бўйича қарор қабул килингунинг қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чакириб олиш хуқукига эга. Бундай ариза тушган тақдирда мурожаатни кўриб чикиш тўхтатилади ва уч кун мобайнида мурожаат Фанлар академиясининг хати билан мурожаат килувчига кайтарилади.

Мурожаатни чакириб олиш тўғрисидаги ариза Фанлар академияси томонидан конун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

4-боб. Фанлар академиясида мурожаатлар билан ишлашни ташкиллаштириш

18. Фанлар академиясида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ушбу Низомга 1-иловага мувофик схемага биноан амалга оширилади.

19. Тушган мурожаатларни қабул килиш, рўйхатга олиш ва кўриб чикиш учун юбориш, шунингдек мурожаатларнинг хисобини юритиш ва кўриб чиқилишини назорат килиш мақсадида белгиланган умумий штатдаги ходимлар сони доирасида Фанлар академияси Умумий бўлимида Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўйича бош мутахассис (кейинги ўринларда мурожаатлар билан ишлаш бўйича мутахассис деб аталади) лавозими киритилади.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис мурожаатларнинг кўриб чиқилишини назорат қилиш масалаларида бевосита Фанлар академияси президентига бўйсунади.

20. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис:

таркибий бўлинмалар томонидан мурожаатлар кўриб чиқилишини доимий назорат қиласида ва унинг мониторингини олиб боради, уларнинг ўз вактида ва зарур тарзда кўриб чиқилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

мурожаатларни кўриб чикиш муддатлари ва тартиби таркибий бўлинмалар томонидан бузилиши тўғрисида Фанлар академияси раҳбариятини дархол хабардор қиласи;

мониторинг натижалари бўйича ҳар ойда Фанлар академияси президентига мурожаатлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурият бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, мурожаатлар тўғрисидаги конун хужжатлари бузилишига йўл кўйган Фанлар академияси ходимларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан тегишли таклифлар билан биргаликда тақдим этади.

21. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассисга қўйидаги қўшимча талаблар кўйилади:

ўрта маҳсус ёки олий маълумотга эга бўлиш;

камидаги уч йиллик иш стажи бўлиши;

уларнинг ходими бўлган Фанлар академияси бўлинмаларининг фаолияти, функцияларига оид мажбуриятлари тўғрисида хабардор бўлиш;

юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиш;

киришимлилик;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларни қўллашни билиш.

Бош мутахассис мурожаатлар билан ишлаш бўйича ўз фаолиятини амалга оширишда илтифотли, катъиятли, эътиборли бўлиши керак, мурожаат килувчиларга нисбатан хушмуомалали, вазмин ва эътиборли, шахснинг шаънини камситмаслиги, унга нисбатан меҳрибон бўлиши шарт.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида ташкин кўриниши бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг Фанлар академиясига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумий қабул килинган иш тартибига риоя этиши вазмин ва интизомли бўлиши керак.

22. Фанлар академияси мурожаатлар билан иш олиб борувчи ўз ходимларини ўқитади ва уч йилда камидаги бир марта уларнинг малакасини оширади.

23. Фанлар академияси ушбу Низомнинг талабларига кўра, мурожаатлар билан ишлашда электрон хужжат айланиши тизимини жорий этиши мумкин.

Фанлар академиясида мурожаатлар билан ишлаш:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонаси ва Хукумат портали орқали келиб тушган мурожаатлар электрон шаклда:

Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлардаги (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташкири) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳалқ қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатлар ёзма ва ёки электрон шаклда олиб борилади.

24. Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулокотни ташкил этиш, мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш, шунингдек, мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш мақсадида Фанлар академияси ва унинг мансабдор шахслари ўз виртуал қабулхоналарини ташкил этиши мумкин.

Виртуал қабулхоналар қайси давлат органи, ташкилот ёки уларнинг қайси мансабдор шахслари томонидан тузилган бўлса ўша давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари номидан фаолият кўрсатади.

25. Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида кўрсатилган масалани ҳар томонлама ва ўз вактида ҳал қилиш мақсадида, мурожаатда кўрсатилган масалани кўриб чиқиш (ҳал қилиш) бир нечта давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатига кирса, мурожаатни кўриб чиқувчи Фанлар академияси бошқа давлат органлари ва ташкилотларига жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатини коллегиал эшлишини ўтказиш учун мурожаат қилишга ҳакли.

5-боб. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари

26. Ёзма ва электрон мурожаатлар мурожаатларни рўйхатга олиш журналига тегишли ёзувларни киритиш, ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича хисобга олиш карточкасини тўлдириш ва мурожаатнинг биринчи саҳифаси қуйи

ўнг кисмida рўйхатга олиш штампини қўйиш йўли билан Умумий бўлимда рўйхатга олинади.

Мурожаатлар ёзма ёки электрон тарзда рўйхатга олиниши мумкин.

Мурожаатларни рўйхатга олиш журналида мурожаатнинг тартиб раками, мурожаат килган жисмоний шахснинг фамилияси (исми ва отасининг исми), унинг яшаш жойи, юридик шахснинг номи, унинг жойлашган жойи, мурожаатнинг кискача мазмуни, мурожаат қабул қилинган сана, дубликат ёки мурожаатларнинг такрорийлиги, назоратга олинганилиги тўғрисидаги белги, ижрочи этиб белгиланган Фанлар академияси таркибий бўлинмасининг номи, сана кўрсатилган ҳолда ижро этиш тўғрисидаги белги кўрсатилади.

Қайд этиш штампида Фанлар академиясининг расмий номи (умумкабул қилинган қисқартирилган ном ёки қисқартма кўрсатилиши мумкин), мурожаатнинг келиб тушган санаси ва қайд раками кўрсатилади.

Мурожаатларнинг тартиб ракамлари хар йил бошидан янгидан ҳисобланади.

27. Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари Фанлар академиясига оғзаки мурожаат этишганда улар томонидан тақдим қилинган ёзма мурожаатлар ҳамда бошқа материаллар қабул қилиниши ва ушбу Низомнинг 26-бандига мувофик тўлдирилган ҳисобга олиш карточкасига илова қилиниши керак.

Рўйхатга олинган мурожаатлар келиб тушган пайтидан бошлаб бир иш кунидан кечикмай Фанлар академияси президентига, вице-президентига ёки бош илмий котибига киритилади, у масъул таркибий бўлинмани (ходимни) белгилаган ҳолда мурожаатни кўриб чикиш бўйича резолюцияни (топшириқнома) қўяди.

Резолюция (топшириқнома) кўйилган пайтдан бошлаб бир иш куни мобайнода мурожаатлар билан ишлаш бўйича мутахассис мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий бўлинмага (ходимга) имзо қўйдирган ҳолда беради. Бунда ижрочи этиб белгиланган таркибий бўлинма (ходим) томонидан ижро этиш тўғрисидаги белги қўйилади.

28. Фанлар академиясига келиб тушган мурожаатлар Фанлар академиясининг иш юритувига қабул қилиниши, бўйсуниш тартибида Фанлар академиясининг қуий бўлинмасига (илмий тадқиқот муассасаси, минтақавий бўлими ёки ташкилотга) (кейинги ўринларда қуий орган деб аталади) юборилиши ёки тегишлилиги бўйича бошқа давлат органига, ташкилотга юборилиши мумкин.

29. Қуий орган томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган мурожаатлар унга келиб тушган кунидан бошлаб беш кун муддатдан кечиктирмай хат билан ёки Фанлар академиясининг президенти ёки вице-президенти, бош илмий котиби томонидан имзоланган топшириқ билан бирга юборилиши, бу ҳакда мурожаат килувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар берилиши керак.

30. Агар мурожаатда бир нечта таркибий бўлинмага тегишли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чикиш бўйича ижро этувчилар этиб белгиланади. Ижро этувчилар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган таркибий бўлинма бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда мурожаат кўриб чиқилишини таъминлади.

31. Мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чикиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчидан, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органларидан, бошқа ташкилотлардан ва мансабдор шахслардан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин. Агар ахборот давлат сирини ёки конун

билин кўрикланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуклари, эркинликлари ҳамда конуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига заарар етказмаса, давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўралаётган ахборотни ўн кун ичига тақдим этиши шарт.

32. Агар мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, ушбу мурожаат аввал тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чикилади ҳамда натижаси бўйича ягона жавоб берилади.

Агар мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чикилганидан ва жавоб юборилганидан кейин келиб тушса, бу ҳакда Фанлар академияси ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчини ёзма тартибда хабардор килади.

33. Агар мурожаатда ўртага кўйилган масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатни кўриб чиқишида иштирок этиш учун Фанлар академияси томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилади.

Зарур ҳолларда мурожаатларни кўриб чиқиш учун Фанлар академияси томонидан тегишли мутахассислар жалб этилиши мумкин.

34. Кўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган Фанлар академиясига келиб тушган мурожаатлар беш кун муддатдан кечиктиримай Фанлар академиясининг раҳбарияти ёки таркибий бўлинманинг раҳбари томонидан имзоланган хат билан тегишли органларга юборилади. бу ҳакда мурожаат килувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар килинади.

Мурожаатни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига, ташкилотларига ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда улар беш кун муддатдан кечиктиримай асослантирилган тушунтириш билан мурожаат килувчиларга қайтарилади.

35. Мурожаатни кўриб чиқаётган Фанлар академияси ёки унинг мансабдор шахслари ўз ташаббусига кўра ёхуд мурожаат этувчининг илтимосига кўра уни эшишишни ташкил этиши мумкин.

Фанлар академияси ёки унинг мансабдор шахслари мурожаат этувчига мурожаатда кўтарилиган масалалар бўйича ўз фикрини билдириш ва мурожаат бўйича кўшимча ахборот тақдим этиш имкониятини беради.

Зарур ҳолларда мурожаат этувчини эшишишга экспертларни, мутахассисларни ва манфаатдор ташкилотларнинг вакилларини жалб этиш мумкин.

36. Агар мурожаатда жойнинг ўзида ўрганишни талаб этувчи ҳолат баён килинган бўлса, шунингдек, бошқа зарур ҳолларда мурожаатни кўриб чиқувчи Фанлар академияси ёки унинг қуи органи мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқишини таъминлаши мумкин. Мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқиш давлат органи, ташкилоти раҳбарининг топшириғи ёки унинг розилиги билан амалга оширилади.

37. Мурожаатни мурожаат қилган ёки бошқа шахснинг иштирокисиз кўриб чиқишининг имконияти бўлмаганда, улар Фанлар академиясининг мансабдор шахси томонидан чақирилиши мумкин. Чақирилган мурожаат қилувчи келмаган такдирда Фанлар академиясининг мансабдор шахси мурожаатни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин эмаслиги тўғрисида жавоб юборади.

38. Мурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар Фанлар академиясига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар тегишли муддатнинг охирги куни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

Электрон мурожаатлар иш вакти тамом бўлгандан кейин тушган такдирда навбатдаги иш кунида рўйхатга олинади.

Мурожаатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Фанлар академиясининг президентига ёки бунга ваколат берилган бошка мансабдор шахсига оммавий кабуллар вактида тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди. Бунда жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, мурожаатнинг қисқача мазмuni, шунингдек, уни кўриб чикиш натижаси оммавий қабул баённомасида кўрсатилади.

39. Ариза ёки шикоят масалани мазмуни бўйича ҳал этиши шарт бўлган Фанлар академиясига ёки унинг мансабдор шахсларига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча хужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чикиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошка чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чикиш муддатлари тегишли Фанлар академияси раҳбарияти томонидан, истисно тарикасида, кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳакда мурожаат этувчига хабар қилинади.

40. Таклиф Фанлар академиясига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳакда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

41. Айрим ҳолларда Фанлар академиясининг президенти ёки вице-президентлар, бош илмий котиби мурожаатларни кўриб чикиш муддатларини қисқартиришлари мумкин.

42. Мурожаатларни кўриб чикиш натижалари бўйича Фанлар академияси томонидан тегишли қарор қабул қилинади, бу ҳакда дархол ёзма ёхуд электрон шаклда мурожаат қилувчига хабар берилади.

Мурожаатни конквиринастик тўғрисидаги қарорни:

республика аҳамиятига молик муассасада - Фанлар академиясида - президент, бош илмий котиб, вице-президентлар, таркибий бўлинмалар раҳбарлари;

вилоят аҳамиятига молик муассасада – минтақавий бўлимларда - раис, унинг ўринbosарлари;

туман ва шаҳар аҳамиятига молик муассасада – илмий-тадқиқот муассасалари, минтақавий бўлимлари ва ташкилотларида раҳбар қабул килади.

Мурожаатга жавоб хатида мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аник асослар (заруриятга караб конун хужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда) бўлиши керак.

43. Мурожаатга жавоб хати Фанлар академияси ёки унинг таркибий бўлинмаси раҳбари томонидан имзоланади.

Мурожаатларга жавоб хати, мумкин кадар, мурожаат этилган тилда баён қилинади.

44. Жисмоний ёки юридик шахслар жамоа бўлиб мурожаат қилган тақдирда, уларнинг мурожаатлари Конун талаблари ва мазкур Низомга мувофиқ кўриб чиқилади. Бунда мурожаатга жавоб мурожаат қилгандарнинг рўйхатида биринчи бўлиб кўрсатилган шахсга ёки, уларнинг талабига кўра, бошқа шахсга юборилади.

45. Жисмоний ёки юридик шахснинг илтимосига кўра мурожаатни кўриб чиқкан Фанлар академияси ва унинг мансабдор шахслари мурожаатга жавобни унинг мазмунини ўзгартирмасдан тушунтириши, шунингдек йўл кўйилган хатолар ва арифметик хатоларни ўз ташаббусига кўра ёки мурожаат қилувчининг илтимосига кўра, мурожаатга жавобнинг мазмунига дахл қилмаган холда тузатиши шарт.

Мурожаат қилувчининг мурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш тўғрисидаги илтимоси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичидаги мурожаатни кўриб чиқилади.

46. Мурожаат, унда кўтарилиган барча масалалар Конун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва мурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда кўриб чиқилган ҳисобланади.

Мурожаат қилувчига жавоб юборилган кун мурожаатни кўриб чиқиш тугалланган кун ҳисобланади, бу ҳакда мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис мурожаатларни рўйхатга олиш журналига ва ҳисобга олиш карточкасига белги кўяди.

47. Юқори давлат органининг назоратида турган мурожаатлар бўйича мурожаатни кўриб чиқкан Фанлар академияси мурожаат қилувчига юборилган жавоб хатининг нусхасини илова қилган холда мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида юқори давлат органига ёзма шаклда хабар беради.

48. Кўриб чиқилган мурожаатларни ва улар билан boglik материалларни саклаш мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Мурожаатларни кўрмай қолдириш ва кўриб чиқишни тугатиш

49. Куйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдикловчи хужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

Конунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

50. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис ёки Умумий бўлим бошлиғи томонидан амалга оширилади.

Мурожаат аноним деб эътироф этилганда бу ҳакда хулоса тузилади. Хулосада мурожаатни аноним деб эътироф этиш учун асослар кўрсатилади. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш тўғрисидаги хулоса мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис ёки таркибий бўлинма раҳбари томонидан тасдикланади.

Фанлар академияси ва унинг қуи органларининг ишонч телефонлари, «тезкор алоқа» га тушган мурожаатлар Конунда назарда тутилган тартибда аноним деб эътироф этилиши мумкин.

Аноним деб эътироф этилган мурожаатлар хулоса тасдикланган пайтдан бошлаб назорагдан ёки ижродан олинади ва кўриб чиқилмайди.

51. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар келиб тушганда, мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис

ёки таркибий бўлинма уларнинг ваколатларини тасдиқлайдиган хужжатлар мавжудлигини текширади.

Агар мурожаатда жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган хужжатлар мавжуд бўлмаса, бу хақда мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис ёки таркибий бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланадиган хulosса тузилади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган хужжатлар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хulosса тасдиқланган пайтдан бошлаб ушбу мурожаат кўриб чиқилмайди, бу хақда мурожаат килувчи ёзма равишда хабардор қилинади.

52. Мурожаатлар кўрмай колдирилганда тегишли хulosса тузилади, у Фанлар академияси раҳбарияти ёки унинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай колдирилганлиги тўғрисида мурожаат килувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

53. Мурожаатларни кўриб чиқиш қўйидаги ҳолларда тугатилади:

агар такрорий мурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўкис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат килувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

агар мурожаат килувчи ўз мурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқиши тугатиш тўғрисида илтимос килган бўлса;

яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор килмаганлиги туфайли чақиришнинг имкони йўклиги сабабли мурожаатни мурожаат килувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмагандан;

мурожаатни мурожаат килувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли. Фанлар академияси ёки унинг мансабдор шахси томонидан чақирилган мурожаат килувчи келмай қолган тақдирда;

агар мурожаат килувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг мурожаатни кўриб чиқиш ҳукуқий ворисликка йўл қўймаса.

54. Мурожаатни кўриб чиқиши тугатиш тўғрисидаги қарорни Фанлар академияси раҳбарияти ёки унинг ваколат берилган мансабдор шахси қабул килади.

Такрорий мурожаатни кўриб чиқиш ушбу Низомнинг 53-банд иккинчи хатбоисига мувофик тугатилганда, мурожаат килувчи такрорий мурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб бориш тугатилган мурожаат килувчидан такрорий мурожаат келиб тушган тақдирда, бундай мурожаатни кўриб чиқиш мурожаат килувчини бу хақда хабардор килмасдан тугатилади.

Мурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда мурожаат мурожаат килувчига Фанлар академияси ёки унинг мансабдор шахсининг хати билан бирга уч кун ичida кайтарилади. Мурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза конун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

Мурожаат килувчи чакирилган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли мурожаатни кўриб чикишни тугатиш тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинади

7 боб. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этиш

55. Фанлар академиясида, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади.

Фанлар академиясининг раҳбарияти ёки бу борада ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар ташкил этилиши мумкин.

55¹. Фанлар академияси раҳбариятининг жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларда сайёр қабул қилиш бўйича жадваллари (йиллик ёки ярим йиллик) ишлаб чиқилиб, мос равишда юкори турувчи давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

56. Фанлар академияси раҳбарияти томонидан мурожаатларда қўтарилилган масалалардан келиб чиккан ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсий, сайёр қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда ўтказилади.

Фанлар академияси раҳбарияти томонидан мурожаатларда қўтарилилган масалалардан келиб чиккан ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсий, сайёр қабул қилиш борасида Фанлар академиясининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

57. Фанлар академиясида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш учун алоҳида хона ажратилади.

Шахсий қабул давомида Фанлар академияси раҳбариятининг карорига кўра ва мурожаат этувчига бу ҳақда хабар берган ҳолда маҳсус техника воситалари (аудио-ва видеоёзув, шунингдек фотосуратга олиш) кўлланилиши мумкин.

58. Оғзаки мурожаатлар билан келган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис ёхуд бошқа масъул ходим, шунингдек Фанлар академияси таркибий бўлинмаларининг (кейинги ўринларда таркибий бўлинма деб аталади), муассаса ёки ташкилотнинг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул ходимлари томонидан қабул қилинади.

Мурожаат килувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар текширилгандан кейин ушбу Низомга 2-иловага мувофик шакл бўйича ҳисобга олиш карточкаси тўлдирилади. Ҳисобга олиш карточкаси оғзаки мурожаат сифатида рўйхатга олинади.

59. Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак, оммавий қабул вактида келиб тушган мурожаатлар бундан мустасно.

Оғзаки мурожаатлар реал вакт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан давлат органларининг, ташкилотларининг ишонч, тезкор алока телефонлари орқали ва видео-конференц-алока воситасида ҳам берилиши мумкин.

60. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис қабулга келган жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни, шунингдек жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш билан боғлиқ ишларни ташкил этади.

61. Фанлар академиясида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис ёки тегишли таркибий бўлинма ходимлари иштирокида амалга оширилади.

62. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилувчи раҳбар ёки ваколатли шахснинг кўрсатмаси бўйича Фанлар академиясининг бошка ходимлари ҳам қабул қилиш жараёнига жалб этилиши мумкин.

63. Агар жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсий, сайёр ва оммавий қабул қилиш пайтида мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш Фанлар академияси ёки унинг мансабдор шахсининг ваколатига кирмаслиги аникланган тақдирда, уларга мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш кераклиги тушунтирилади. Бунда жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг талаби билан бу ҳақда ёзма шаклда жавоб берилади.

64. Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар, зарур бўлган ҳолларда, қабул қилиш жадвалларидан ташқари ўтказилиши мумкин. Оммавий қабул ҳовлиларга (квартиralарга), бошка биноларга ва жойларга бирма-бир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

65. Жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг сайёр ва оммавий қабуллар вактида берилган оғзаки мурожаатлари ушбу Низомнинг 58-бандига мувофик расмийлаштирилади ва рўйхатга олинади ҳамда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

65¹. Жойларда учрашувларни ўтказиш мавзусига мамлакатнинг стратегик мақсадларини амалга оширишда устувор бўлган фукаролик жамиятини ва ҳалк билан очик мулокотни ривожлантириш, инсон хуқук ва манфаатларини, давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳияти ва худудларни комплекс ривожлантиришнинг истиқболли режалари тўғрисида аҳолига етказиш, жойлардаги тизимли муаммоларни аниклаш ва уларни ечимларини топиш. жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, мурожаатларни кўриб чиқиш каби долзарб масалалар киритилиши лозим.

65². Сайёр ва оммавий қабулни ўтказиш натижалари бўйича тегишли баён тўлдирилади. чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.

66. Оммавий қабуллар вақтида Фанлар академиясининг раҳбариятига ёки ваколат берилган бошка мансабдор шахсига келиб тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларга ёзма жавоб ёки электрон шаклдаги жавоб талаб этилмайди.

8-боб. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини видео-конференц-алоқа воситасида қабул қилишни ташкил этиш

67. Жисмоний шахс ва юридик шахсларнинг вакили Фанлар академиясининг раҳбариятига ёхуд унинг мансабдор шахсларга видеоконференцалоқа воситасида мурожаат бериши, олдиндан тасдикланган маҳсус ахборот-коммуникация

технологияларини қўллаган ҳолда видео-конференц-алоқа жадвал орқали амалга оширилади.

68. Бунинг учун мурожаат этувчи видео-конференц-алоқа ўрнатилган тегишли Фанлар академиясига белгиланган тартибдаги талабнома билан мурожаат килади. Ариза электрон шаклда берилиши мумкин.

Талабномада куйидагилар кўрсатилиши керак:

жисмоний шахс учун — мурожаат этувчининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар;

юридик шахснинг тўлик номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумоглар;

электрон почта манзили;

алоқа телефони ва/ёки факснинг раками;

видео-конференц-алоқа ўтказишга қулай сана ва вакт;

мурожаат тили;

мурожаатнинг қисқача мазмуни.

Мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи хужжатлар илова қилинади.

69. Видео-конференц-алоқа орқали келиб тушган мурожаатлар келиб тушган пайтидан бошлаб бир иш кунидан кечикмай мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутхассис томонидан рўйхатга олиниши ва Фанлар академиясининг раҳбариятига киритилиши керак.

70. Фанлар академиясининг раҳбарияти, талабномани кўриб чиқиб, видео-конференц-алоқа орқали кўриб чиқиш ёки кўриб чиқишни рад этиш ҳақида қарор қабул қиласи.

Қабул қилинган қарор, видео-конференц-алоқа орқали мурожаатни кўриб чиқиш вакти ва жойи ҳақида Фанлар академияси жисмоний ва юридик шахсларни белгиланган тартибда огоҳлантиради

71. Видео-конференц-алоқа орқали мурожаатни қабул қилиш жадвали ўзгарган такдирда, мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутхассис олдиндан (электрон почта, алоқа телефон ва/ёки факс ракамлари, почта ва бошқалар) орқали огоҳлантириши керак.

72. Видео-конференц-алоқа орқали келиб тушган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида мазкур Низомда белгиланган тартибда қайд этилади, рўйхатга олиниши ва кўриб чиқилади.

9-боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуқлари

73. Мурожаатлар Фанлар академияси ва унинг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилаётганда жисмоний ва юридик шахслар қуйидаги хукукларга эга:

мурожаатни кўриб чиқишнинг бориши тўғрисида ахборот олиш;

важларни шахсан баён этиш ва тушунтиришлар бериш;

мурожаатни текшириш материаллари ва уни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш;

қўшимча материаллар тақдим этиш ёки бундай материалларни бошқа органлардан талаб килиб олиш тўғрисида илтимос қилиш;

адвокат ёрдамидан фойдаланиш;

мурожаатни кўриб чиқиши тўхтатиш тўғрисида ёхуд мурожаатга жавобни тушунтириш ва (ёки) уни тузатиш тўғрисида илтимос қилиш;

ўз мурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган пайтда мурожаат бўйича қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиш;

мурожаатни қабул қилишни ёки кўриб чиқиши конунга хилоф равишида рад этганлик устидан бўйсунув тартибида юкори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилиш.

Жисмоний ва юридик шахслар конун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

74. Жисмоний ва юридик шахслар, Фанлар академияси ва унинг мансабдор шахслари томонидан мурожаатларни кўриб чиқишида ўзларининг хатти-харакатлари билан бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқукларини, эркинликларини ҳамда конуний манфаатларини, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак.

10-боб. Мурожаатларни кўриб чиқишида Фанлар академияси ва уларнинг мансабдор шахсларининг хуқуқ ва эркинликлари

75. Мурожаатларни кўриб чиқишида Фанлар академияси ва унинг мансабдор шахслари куйидаги хуқукларга эга:

мурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибида сўраш ва олиш;

мурожаат қилувчи ёки унинг вакилини улар йўклигига мурожаатни кўриб чиқиш мумкин бўлмаганда ёхуд мурожаатни эшлиши учун чақириш;

била туриб ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаатни текшириш сабабли етказилган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга мурожаат қилиш.

Фанлар академияси ва унинг мансабдор шахслари конун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

76. Фанлар академияси ва унинг мансабдор шахслари:

мурожаатлар тўғрисидаги конун хужжатлари талабларига риоя этиши;

мурожаат қилувчига унинг хуқуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларига дахлдор хужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини. агар улар давлат сири ёки конун билан кўрикланадиган бошқа сир бўлган маълумотларни ўз ичига олмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, таъминлаши;

мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳакида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дархол хабар қилиши, оммавий қабуллар вактида тушган ва жойида ҳал қилинган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

мурожаат юзасидан қабул қилинган қарор устидан, агар жисмоний ёки юридик шахс ушбу қарорга рози бўлмаса, шикоят бериш тартибини тушунтириши;

мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши;

конунга хилоф харакатларни (харакатсизликни) бартараф этиш юзасидан дархол чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуклари,

эркинликлари ва конуний манфаатлари бузилишини келтириб чикарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниклаши;

жисмоний шахс, унинг вакили, уларнинг оила аъзолари, юридик шахс, унинг вакили ва юридик шахс вакилининг оила аъзолари уларнинг мурожаатлари сабабли таъкиб этилишини белгиланган тартибда бартараф этиши;

агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг хуқуклари, эркинликлари ҳамда конуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўриши шарт.

Фанлар академияси ва унинг мансабдор шахслари конун хужжатларига мувофик бошқа хуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11-боб. Мурожаатларнинг кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш

77. Фанлар академиясининг раҳбарияти ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари ўз таркибий бўлинмалари томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширади, уларнинг тўлик, холисона ва ўз вактида кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўради.

78. Мурожаат у кайси раҳбар ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахс томонидан назоратга олинган бўлса, ўша шахс томонидан назоратдан ва ижродан олинади.

Оралиқ жавоблар берилган ва тўлик кўриб чиқилмаган мурожаатлар назоратдан олинмайди.

79. Фанлар академияси ва унинг мансабдор шахслари келиб тушган, кўриб чиқилган, қаноатлантирилган, қаноатлантирилмаган, кўриб чиқилмаган мурожаатларнинг, шунингдек, бошқа маълумотларнинг статистик хисобини юритади.

Фанлар академияси жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуклари, эркинликлари ва конуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлатнинг манфаатлари бузилишини келтириб чикарувчи сабабларни аниклаш ва бартараф этиш максадида ҳар чоракда мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилишни таъминлайди.

Ҳар ой якуни бўйича Фанлар академиясининг раҳбарияти томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари билан утказилган учрашувлар натижалари тўғрисида маълумотлар умумлаштириб, таҳлил қилинган ҳолда муҳокама этиш учун киритилади.

Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис ёки Умумий бўлими томонидан мурожаатлар билан ишлашнинг умумий кўрсаткичлари, мурожаатларда тез-тез кўтарилилган масалалар, мурожаатларни кўриб чикиш якунлари бўйича аникланган асосий камчиликлар ва коидабузарликлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуклари, эркинликлари ва конуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чикарувчи сабабларни бартараф этиш максадида кўрилган чоралар акс эттирилган маълумотномалар (шархлар) тузилади ҳамда Фанлар академияси президентига академияда мурожаатларни кўриб чиқишнинг конунийлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш. жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуклари, эркинликлари ва конуний манфаатлари,

шунингдек, жамият ва давлатнинг манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш, конун хужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади.

Мурожаатларни умумлаштириш ва тахлил қилиш натижаларига кўра тузилган маълумотномалар (шархлар) тегишли давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

80. Фанлар академияси ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига мурожаатлар билан ишлаш тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.

81. Мурожаатларни кўриб чикиш натижалари Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлари ягона порталида, давлат органларининг расмий веб-сайтларида, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида ҳар ойда эълон килиниши мумкин.

82. Мурожаатлар билан ишлаш бўлинмаси тушган мурожаатларни тахлил қилиш якунлари бўйича Фанлар академиясининг расмий веб-сайтида тегишли статистика маълумотларини ҳар ойда эълон қиласди.

12-боб. Якунловчи қоидалар

83. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чикишни конунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чикиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги конун хужжатларига зид карор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуклари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик, жисмоний шахсларнинг шахсий хаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, жисмоний ва юридик шахсни мурожаат килганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун таъкиб қилиш. шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги конун хужжатларини бошқача тарзда бузиш конунга мувофик жавобгарликка сабаб бўлади.

84. Конун ва ушбу Низом талабларига риоя этишни таъминлаш учун жавобгарлик Фанлар академияси президенти ва вице-президентлари, бош илмий котиби, мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассисига ва тегишли таркибий бўлинмалар раҳбарларига юкландади.

85. Жисмоний ёки юридик шахснинг аризаси, шикояти ана шу мурожаатлар бўйича конунга хилоф карорлар қабул қилган Фанлар академияси ва унинг мансабдор шахслари томонидан қаноатлантирилган тақдирда, ариза ёки шикоят бериш ва уни кўриб чикиш билан боғлик заарнинг ўрни, аризани, шикоятни кўриб чикиш учун тегишли давлат органлари, ташкилотларининг ёки уларнинг мансабдор шахсларнинг талабига кўра жойларга бориш муносабати билан қилинган харажатларнинг ҳамда ана шу вақт ичida йўқотилган иш ҳақининг ўрни мурожаат этувчига суд тартибида копланади.


Суд тартибида маънавий зиён ҳам компенсация килиниши мумкин.

Жисмоний ёки юридик шахснинг аризасини ёхуд шикоятини кўриб чикишда конун талаблари бузилганлиги муносабати билан унга етказилган моддий заарнинг ўрнини коплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш сифатида

Фанлар академияси томонидан тўланган маблағлар айбдор шахсдан регресс тартибида ундириб олиниши мумкин.

86. Мурожаатлар тўғрисидаги конун хужжатларини бузганлик, худди шунингдек, тухмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик белгиланган тартибида жавобгарликка сабаб бўлади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ БОШҚАРУВ АППАРАТИ ВА ИЛМИЙ-
ТАДКИКОТ МУАССАСАЛАРИ, МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА
ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ СХЕМАСИ**



* Мурожаатлар давлат органларига юкори давлат органлари ёки тегшилтиги бўйича бошка давлат органлари орқали ҳам тушиши мумкин. Зарур ҳолларда мурожаатларни кўриб чикиш юкори давлат органи томонидан назоратга олинади.

ЎзР Фанлар академиясида жисмоний ва юридик шахстарнинг мурожаатлари билан ишланиш тартиби тұғрисидасы Низомга 2-шілова

(Олд томони)
**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ
МУРОЖААТЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ КАРТОЧКАСИ**

Тартиб раками:	Савол:
Мурожаат килувчи:	
Манзили:	
Мурожаат келиб тушган сана:	Мурожаат қилувчилар сони:
Мурожаатнинг шакли:	Вараклар сони:
Қабул шакли:	Дубликат/ тақрорий
Мурожаатнинг тури:	Олдинги мурожаатнинг санаси ва раками:
Назорат тури:	
Мурожаатнинг кискача мазмуни:	
Резолюцияни (топширикни) имзолаган раҳбар:	
Раҳбарнинг резолюцияси (топшириғи):	Бажариш муддати:
Таркибий бўлинма:	Ижрочи:

(Орка томони)

Мурожаатларни кўриб чикишнинг холати		
Юборилган сана	Каерга юборилган	Жавоб хатининг раками ва санаси
Муддати узайтирилган:	Ким томонидан:	(имзо)
Жавоб хати келган сана:		
Кўриб чикиш натижаларининг кискача мазмуни:		
Назоратдан олинди (ким томонидан):	Бажарувчининг имзоси:	
Сана:	Бажарилган сана:	
Мурожаатни кўриб чикиш муддати бузилгандыгы хакидаги белги:		